

ЎТЛОҚИ БОТҚОҚ ТУПРОҚ ШАРОИТИДА БИОСТУМЛИЯТОРЛАРНИНГ КУНГАБОҚАР ЎСИМЛИГИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Хатамов Салимжон Рахимжон ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Яхёкулова Матлуба Азизалиевна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Жўраева Қундузхон Турғунбоевна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7335543>

Аннотация. Асосий экин сифатида экилган кунгабоқарнинг “F-1 дурагайи” ни ўтлоқи ботқоқ тупроқ шароитида етиштирилганда Экогум био, Экосил, Экогум комплекс, Экогум АФ ҳамда Полибор препаратлари биргаликда қўллаш самарадорлиги ўрганилди..

Калит сўзлар: биопрепаратлар; кунгабоқар; Экогум био; Экосил; Экогум комплекс; экогум АФ; Полибор; вариант; қайтариқ; қўллаш меъёри; хосилдорлик.

ВЛИЯНИЕ БИОСТИМУЛЯТОРОВ НА РОСТ И РАЗВИТИЕ РАСТЕНИЙ ПОДСОЛНЕЧНИКА В УСЛОВИЯХ ЛУГОВО-БОЛОТНЫХ ПОЧВ

Аннотация. Эффективность совместного применения препаратов Экогум био, Экосил, Экогум комплекс, Экогам АФ и Полибор при возделывании гибрида подсолнечника «Ф-1», высаживаемого как основная культура, в условиях луга - изучено болото. почвы.

Ключевые слова: биопрепараты; подсолнечник; Эко-резинка био; Экосил; Комплекс эко-резинок; Эко резинка АФ; Полибор; вариант; Вернись; стандарт применения; плодородие.

INFLUENCE OF BIOSTIMULATORS ON THE GROWTH AND DEVELOPMENT OF SUNFLOWER PLANTS UNDER THE CONDITIONS OF MEADOW-BOGS SOILS

Abstract. The effectiveness of the joint use of preparations Eco gum bio, Ecosil, Eco gum complex, Eco gum AF and Polibor in the cultivation of the sunflower hybrid "F-1", planted as the main crop, in the conditions of a meadow-wetland was studied. soil.

Keywords: biological products; sunflower; Eco gum bio; Ecosil; Eco gum complex; Eco gum AF; Polybor; option; come back; application standard; fertility.

КИРИШ

Кунгабоқар (*Helianthus annuus* L.) ҳозирги кунда дунёда энг муҳим аҳамиятли мойли экинлардан бири ҳисобланади. Кунгабоқар озиқ-овқат мойи сифати жиҳатидан танланган ўсимлик мойлари орасида биринчи ўринни эгалламоқда. Шу сабабли, дунёда кўплаб давлатларда экин майдони ва ундан олинадиган ҳосил миқдорида қараб иқтисодий самарадорлик даражаси ортиб бориши кузатилмоқда. Сўнгги беш йилликда кунгабоқар ер юзидаги 72 та мамлакатда ўртача 25-26 млн. гектардан ортиқ майдонда етиштирилиб, ўртача 40,5-42,0 млн. тонна ҳосил етиштирилган.

Дунё мамлакатлари бўйича энг кўп кунгабоқар етиштирувчи мамлакатлар рўйхатида: Украина, Россия, Аргентина, Руминия ва Хитой давлатлари етакчилик қилиб қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда кунгабоқар экин майдони ортиб 17,5 минг гектарни ва ўртача ҳосилдорлик 12-15 ц/га ни ташкил этмоқда.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Кунгобоқар пояси куйгандан сўнг кулидан ишқор олинади. Кул ҳам қимматли ўғитдир. Ўзбекистоннинг ёмғирли худудларида кунгабоқар силос ва кўк озуқа учун экилади. Бу бошқа тузга чидамли ўсимликлар учун катта агротехник аҳамиятга эга.

Шуни ҳисобга олиб, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институтини қошидаги “Ахборот маслаҳат маркази ДУК нинг суғориладиган ўтлоқ ботқоқ тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экиладиган кунгабоқарнинг ўсиши ҳамда ривожланишига таъсирини ўргандик.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Илмий изланишлар олиб борилган тажриба участкасининг тупроқлари суғориладиган ўтлоқ ботқоқ тупроқларга мансуб. Минералогик таркибига кўра, у асосан ўртача кумлоқларга киради, чангнинг пастки қисмидаги нисбати ортиб бориши билан оғир кумлоқларга киради. ер ости сувларининг чуқурлиги шўр эмас, тахминан 1,2-2,0 метрни ташкил қилади. Тупроқдаги чиринди миқдори 1,5-1,01% (0-30-50 см да). Тупроқнинг юқори қатламининг масса зичлиги 1,3 г / см³ ни ташкил қилади.

Тадқиқот худудимиз Андижон вилоятининг ўтлоқи ботқоқ тупроқлар.

Куйидаги вазифалар бажарилди.

- 1.Тадқиқот худуди тупроқлари хоссаларини ўрганиш.
- 2.Тадқиқот худудида асосий экин сифатида экилаётган кунгабоқар учун биостимуляторларни ўсимлигининг ўсиб ривожланишига таъсирини ўрганиш.

1-жадвал

ТАЖРИБА СХЕМАСИ

Вариантлар	Гербицид тури	Гербицид меъёри	Тупроққа микробиоло-гик препарат-ларни қўллаш		4-5 баргида ўсимликларга 1-ишлов бериш		7-8 баргида ўсимликларга 2-ишлов бериш	
			номи	меъёри	номи	меъёри	номи	Меъёри
1	Зеллек	1 л/га	Экогум био	3 л/га	Ишлов берилмаган назорат		Ишлов берилмаган назорат	
II					Экосил	50 мг/га	Экосил	100 мг/га
					Экогм АФ	1,0 л/га	Экогум-комплекс	2,0 л/га
							Экогм ФК	1,0 л/га
III					Экосил	50 мг/га	Экосил	100 мг/га
					Иммуноакт	2,0 л/га	Экогум комплекс	1,0 л/га

						Иммуно-акт	1,0 л/га
IV					Экосил	50 мг/га	Экосил 100 мг/га
					Экогм АФ	1,0 л/га	Экогум комплекс
					Полибор	0,5 л/га	Экогум ФК 1,0 л/га
							Полибор 1,0 л/га

МУҲОКАМА

Тажриба натижаларига кўра биргаликда ишлатилган (2-жадвал). биологик препаратлардан фойдаланиш асосий поянинг ўсишига, яъни асосий кунгабоқар поясининг баландлигига ижобий таъсир кўрсатган, яъний назорат вариантга нисбатан 32,1 см юқори бўлган. Саватчаларнинг диаметри ҳам шунга монанд назорат вариантыга нисбатан 11,8 см.га юқори бўлганлигини кўрсатди.

2-жадвал

Қўлланилган биостимуляторларнинг кунгабоқар ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил элементларининг шаклланишига таъсири

Вариантлар	06.07.2022 йил		06.08.2022 йил		06.09.2022 йил	
	Ўсимликнинг бўйи	Барг сони	Ўсимликнинг бўйи	Барг сони	Ўсимликнинг бўйи	Саватчаларнинг диаметри
I	16,6	6,4	58,8	16,3	120,5	20,9
II	19,4	7,8	76,3	19,8	121,1	20,4
III	18,6	8,3	91,6	21,0	131,6	23,7
IV	20,5	8,2	78,3	18,2	152,6	32,3

ХУЛОСА

Кунгабоқар билан дала тажрибалари асосида қуйидаги дастлабки хулосаларни чиқариш мумкин:

–Беларус Республикасидаги “Белуниверсал Продуст” корхонасида ишлаб чиқарилаётган биологик маҳсулотлардан минерал ўғитлар билан биргаликда фойдаланиш тупроқдаги озукавий моддалар миқдорига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тупроқдаги ҳаракатчан озик моддаларнинг кўпайиши кунгабоқарнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилини олиш учун имконият яратади.

–Дастлабки натижаларга асосланиб, кунгабоқар етиштиришда Экосил, Экогум ФК, Экогум комплекс ва Полибор препаратларини биргаликда қўллаш яхши самара беради, деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. П.П.Вавилов ва бошқалар.О‘симликчилик М.Колос 1986. 547 б.
2. О.Узоқов, Г.Қурбонов Уруғчилик ва уруғчилик фанлари Т. Меҳнат 2000 Пп - 310 .
3. Б.С.Мусаев “Агрокимё” Тошкент.“Шарқ” нашриёти 2001. Б. – 217-284.
4. Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов “Ўсимликчилик” Тошкент 2007, 360-368-бетлар.
5. Германияда органик деҳқончилик. Экспрес - маълумот (ВИНИТИ), - М. 2008 - 23-39 п.
6. Зирх Б.А. Дала тажрибаси методологияси (статистик ишлов бериш асослари билан) М. Агропромиздат 1985 - 350 б.
7. Саттаров Д.С. ва бошқалар.Агрокимё. Тошкент Хаёт 2011 - 613 гаров.
8. Орипов Р.О., Халилов Н.Х. «Ўсимликчилик» Тошкент 2007. С 360 - 368.
9. Шоира Бекчанова «Кунгабоқар пистаси магнийга бой неъмат» GUJUM.UZ